

АВТОКРЕДИТНИ СУГУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ (3 ва 14 класслар)

Тошкент шахри.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 25.02.2022 йилдаги СФ-серияли 00045-сонли Лицензияси ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи, қуйида «Суѓурталовчи» деб аталадиган «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚҚ

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Суѓурталовчи, мазкур суѓурта шартноманинг шартларига мувофиқ, шартномада белгиланган суѓурта ҳодисаси юзага келганда (**Ф.И.О**) ва (**ТАШКИЛОТ НОМИ**) ўртасида (**ЧИСЛО**) да тузилган (**ШАРТНОМА РАКАМИ**) –сонли кредит шартномасида кўрсатилган Суѓурта қилдирувчининг олган кредит суммасини суѓурта полисида кўрсатилган суѓурта даври мобайнида қайтара олмаган қисмини тўлаб бериш ҳамда кредит шартномаси асосида ҳарид қилинадиган (гаровга қўйилаётган) автотранспорт воситасига етказилган заарни қоплашни зиммасига олади. Суѓурта қилдирувчи эса мазкур суѓурта шартномасида кўзда тутилган тартибда ва муддатларда суѓурта мукофотини (бадалини) тўлашни зиммасига олади.

2. ШАРТНОМАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ:

2.1. Умумий атамалар:

Суѓурталовчи – Суѓурта шартномасига мувофиқ суѓурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оловчичи юридик шахс – «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚҚ;

Суѓурта қилдирувчи (қарз оловчичи) – Суѓурта шартномасига асосан ўз мулкий манфаатларини ёки учинчи томоннинг мулкий манфаатларини суѓурталайдиган томон;

Наф оловчичи – Суѓурта қилдирувчи томонидан суѓурта шартномаси бўйича суѓурта тўловларини олиш учун белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

Суѓурта шартномаси - ёзма келишув бўлиб, унга кўра суѓурталовчи келишувда шартлашилган ҳақ (суѓурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воқеа (суѓурта ҳодисаси) содир бўлганда суѓурта қилдирувчига суѓурта товонини тўлаш мажбуриятини олади;

Суѓурта полиси - Суѓурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кириши ҳолатини тасдиқлайдиган, Суѓурта қилдирувчига унинг суѓурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини (бадалини) тўлашидан кейин бериладиган ҳужжат;

Суѓурта пули – Суѓурталовчи унинг доирасида суѓурта шартномаси бўйича суѓурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оладиган сумма бўлиб, унинг миқдори Суѓурта қилдирувчининг Суѓурталовчи билан келишуви орқали белгиланади;

Суѓурта мукофоти (бадали) – Суѓурта қилдирувчи Суѓурталовчига суѓурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлаши шарт бўлган суѓурталаш учун тўлов;

Суѓурта товони – Суѓурталовчи томонидан Суѓурта қилдирувчига (унинг меросхўрига ёки ҳукукий ворисига) суѓурта шартномасида кўзда тутилган суѓурта ҳодисаси юзага келиши туфайли келиб чиқсан заарларни белгиланган тартибда қоплаш учун тўланадиган сумма;

Суѓурта тарифи – суѓурта мукофотининг суѓурта пули зиммасига нисбатан меъёrlанган миқдори, бу мутлақ пул кўринишида ёки суѓурта пули зиммасидан фоизларда аниқланади.

2.2. Махсус атамалар:

Шартсиз франшиза – Суѓурта қилдирувчи заарларининг маълум қисми бўлиб, уни қоплаш бериш бўйича Суѓурталовчи жавобгар бўлмайди. Шартсиз франшизада Суѓурталовчининг жавобгарлиги франлизининг зиммаси айрилган заарнинг миқдори билан белгиланади;

Кутиш даври - шартномада кўрсатилган тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган, суѓурта шартномасида келишилган воқеа натижасида содир бўлган заарни қоплашгача ўтиши лозим бўлган кетма-кет календарь кунлари сони – 15 кун (кутиш даври - қарз оловчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суѓурта қилиш риски бўйича қўлланилади);

Суѓурта обьекти – мазкур суѓурта шартномаси бўйича 2 та таваккалчилик (risk) суѓурталанган бўлиб, биринчи рисқ бўйича суѓурта қилдирувчининг олган кредитини қайтара олмаслиги билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси конунларига зид бўлмаган мулкий манфаатлар, иккинчи рисқ бўйича гаровга қўйилаётган автотранспорт воситалари (1-илова) билан

боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган мулкий манфаатлар хисобланади.

Географик зона – Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиласидаган ҳудуд.

3. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

Мазкур суғурта шартномаси бўйича қуйидаги рисклар суғурта қилинади:

I. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш - Суғурта ҳодисаси бўлиб, қарз (кредит) олувчининг кредит суммаси ва унга хисобланган фоизларни кредит берувчига кредит шартномасига асосан қайтариш жадвалида белгиланган муддатда кайтара олмаслиги ҳисобланади. Суғурталовчининг мажбурияти кредит шартномасида кўрсатилган қайтариш муддати келганидан сўнг 15 кун ўтиб юзага келади.

II. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши - Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига мазкур суғурта шартномасига биноан (**Ф.И.О**) ва (**ТАШКИЛОТ НОМИ**) ўртасида (**ЧИСЛО**) тузилган (**ШАРТНОМА РАКАМИ**) –сонли кредит шартномаси асосида харид қилинган (суғурталанган) автотранспорт воситасининг олиб қочиб кетиш, ўғирлаш, ёнгин, портлаш, буюмларнинг зарбаси, йўл-транспорт ҳодисаси (**ЙТХ**), учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва табиий оғатлар натижасида юз берган жисмоний йўқотилишидан ёки шикастланишидан бевосита заарларни қоплаб беради.

4. ИСТИСНОЛАР

4.1. I-Бўлим. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш.

4.1.1. Мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда Суғурта қилдирувчининг юзага келган заарлари бўйича жавобгарлик олиб бормайди:

- агар суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи ўз вақтида суғурталовчини белгиланган муддатда амалга оширилмаган тўловлар бўйича ва суғурта ҳодисалари юзага келганда ўз вақтида ёзма равища огохлантирмаган бўлса;

- наф олувчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқаришга қаратилган қасдан қилган ҳаракатлари (кредит олишдаги товламачилик, ноқонуний тадбиркорлик, ўғирлик, порахўрлик, фирибгарлик, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини сустеъмол қилиш, ёлғон, сохта банкротлик).

4.1.2. Суғурталовчи қуйидаги ҳолатларда суғурта қилдирувчига/наф олувчига суғурта товонини тўламаслик ҳуқуқига эга:

- мазкур суғурта шартномаси амалда бўлган даврда наф олувчи суғурталовчи билан келишмасдан, унинг ёзма розилигини олмасдан кредитни (қарзни) қайтариш графикларини (тўлашнинг охирги санаси, суммаси) ўзгартирса, унга ўзгартриш киритса ёки бошқа шартларига қўшимча ёки ўзгартришлар киритса;

- банк (қарз берувчи) кредит шартномаси шартларини бажармаса, шунингдек қарз олувчига кредитни қайтариш имконияти бўла туриб, банк томонидан қарзни кредит шартномасида кўрсатиб ўтилган вақтда ва миқдорда ундириш (талабнома бериш) чоралари кўрилмаган бўлса.

4.1.3. Суғурта қуйидагиларга нисбатан тадбиқ этилмайди:

- кредит шартномаси асосида хисобланган ҳар қандай кредитдан фойдаланганлик учун қарз олувчининг кредит шартномаси шартларини бажармаганлиги учун хисобланган пеня, жарима ва бошқа пул маблағлари;

- суғурта қилдирувчининг (қарз олувчининг) судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаражатлари, шу жумладан суд ҳаражатлари;

- суғурта қилдирувчининг (қарз олувчининг) нинг кредит суммасини қайтаришда адашиб бошқа счетларга ўтказиши ёки шу билан боғлиқ нотўғри амалга оширилган ўтказмалардан кўрилган зарарлар.

4.2. II -Бўлим. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши.

4.2.1. Агар ҳодиса қуйидагилар натижасида юз берса, у суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- Суғурта қилдирувчининг ёки автотранспорт воситаси уларнинг тасарруфида бўлган бошқа шахсларнинг суғурта ҳодисасининг юзага келишига қаратилган қасдан қилган ҳаракатлари, уларнинг ўз фуқаролик бурчини бажариши ёхуд ўзининг ва учинчи шахсларнинг ҳаётини, соғлигини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

- исталган шаклдаги алкоголь, гиёҳвандлик ёки токсик мастилиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва дикқатини пасайтирувчи дори препаратларининг таъсирида бўлган ҳайдовчининг

автотранспорт воситаларини бошқариши, шунингдек агар суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ЙТХ жойидан қочиб яширинса ёки тиббий кўриқдан (мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича экспертизадан) ўтишдан бош тортса;

- ҳайдовчининг оловдан ва портлашдан хавфли моддаларни ва буюмларни сақлаш ва ташиш қоидаларини бузиши;

- ҳайдовчининг темир йўлдан ўтишда йўл ҳаракати қоидасини бузиши, светофорнинг қизил сигналида (қизил чироқ ёнгандан) ҳаракатланиши ва йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўл тасмасига чикиши;

- йўлнинг ҳаракат қисмининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир буюмларни босиб ўтиши туфайли шиналарнинг шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши автотранспорт воситасининг шикастланишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаган бўлса;

- доимий таъсир этувчи фойдаланиш омилларининг таъсири (эскириш, эрозия, коррозия, кўйقا ҳосил бўлиши ва ҳоказо), умуман автотранспорт воситаси, шу жумладан унинг айрим деталлари ва тармоқларининг аста-секин шикастланиши.

4.2.2. Кўйидагилар учун сұғурта товони тўланмайди:

- ташқи омиллар сабаб бўлмаган ички бузилишлар учун;

- автотранспорт воситасига ўрнатилган ва унинг заводдаги бутланишига кирмайдиган қўшимча жиҳоз-ускуналарнинг ўғирланиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун, агар ушбу қўшимча жиҳоз-ускуналар сұғурта шартномасининг жадвалида тегишли позиция бўйича маҳсус қўрсатилган бўлмаса;

- автотранспорт воситасининг ўғирланиши, унинг учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида йўқ қилиниши ёки шикастланиши учун, агар ваколатли органларга ариза берилмаган бўлса, шунингдек агар ушбу ҳолат ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаган бўлса;

- автотранспорт воситасининг шикастланиши оқибатида унинг товар кўриниши йўқотилишидан кўрилган заарлар;

- Сұғурта қилдирувчи Сұғурталовчига шикастланган автотранспорт воситасини ёки унинг қолдиқларини тақдим этишдан бош тортган ҳолда, улар қолдиқсиз нобуд қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

- сұғурталанган автотранспорт воситаси давлат органларининг қарорига кўра олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши оқибатида юз берган заарлар;

- сұғурталанган автотранспорт воситасини қаровсиз (эшикларни очиқ қолдириш, калитни ўт олдиргич оғзида қолдириб кетиши) қолдириш оқибатида автотранспорт воситаси олиб қочилса.

4.3. Умумий истиснолар.

4.3.1. Сұғурталовчи Сұғурта қилдирувчига (Наф олувчига) сұғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир, агар:

- сұғурталанган автотранспорт воситаси Сұғурталовчи билан ёзма келишувсиз лизингта, ижарага ёки гаровга берилган бўлса;

- Сұғурта қилдирувчи (Наф олувчи) мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган бўлса;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ сұғурталанган автотранспорт воситасини бошқариш хукуки бўлмаган шахс сұғурталанган автотранспорт воситасини бошқарган бўлса;

- ҳодиса тўғрисидаги аризада Сұғурта қилдирувчи ёки унинг вакили заарнинг сабаблари ва миқдори тўғрисида ёлгон маълумот кўрсатган бўлса, шунингдек, агар Сұғурта қилдирувчи ёки унинг вакили ҳодисанинг ҳолатларини ёки заарнинг миқдорини тасдиқлаш учун қалбакилаштирилган хужжатларни кўрсатса;

- Сұғурта қилдирувчи ёки унинг вакили заарнинг сабаблари ва миқдорини аниқлаш учун керакли хужжатларни тақдим этмаган бўлса;

- сұғурта ҳодисаси сұғурта шартномасида кўрсатилган географик зонадан ташқарида автотранспорт воситасидан фойдаланганда юз берган бўлса.

4.3.2. Агар ҳодиса қўйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, Сұғурталовчи сұғурта товонини ва сұғурта пули суммасини тўлашдан озод этилади:

- автотранспорт воситасидан бошқаришга ўргатиш мақсадида ёки мусобақаларда ва синовларда иштирок этиш, фойдаланиш;

- ядрорий портлаш, радиация ёки радиоактив тарқалиш таъсир этиши;

- ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки бошқа ҳарбий чора-тадбирлар.

5. СУҒУРТА ҚИЙМАТИ, СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ,

УНИ ТҮЛАШ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ

5.1. (**Ф.И.О**) ва (**ТАШКИЛОТ НОМИ**) ўртасида (**ЧИСЛО**) тузилган (**ШАРТНОМА РАКАМИ**) –сонли кредит шартномасига асосан ажратилаётган кредит суммаси: (**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўм.

5.2. Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасининг сұғурта қиймати (**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўм.

5.3. Мазкур сұғурта шартномаси бўйича сұғурта пули суммаси (**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўмни ташкил этади.

Жумладан:

1) Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши таваккалчилиги бўйича сұғурта пули - (**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўмни ташкил қилади.

5.4. Мазкур шартнома бўйича умумий сұғурта мукофоти (бадал) (**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўмни ташкил килади, бундан:

(**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўм ТВ гаровгача бўлган даврда «кредит қайтмаслик» учун; (**СУММА**) (**СУММА ПРОПИСЬ**) сўм ТВ шикастланиши ёки нобуд бўлиши учун;

5.5. Сұғурта полиси сұғурта мукофоти нақд пулсиз тўланганда Сұғурталовчининг ҳисобварағига келиб тушганидан кейин 3 (уч) банк куни ичида, нақд пул билан тўланганда эса ўша вақтнинг ўзида берилади (2-илова).

5.6. Агар сұғурта пули сұғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси юз берганида сұғурта қилдирувчига (наф оловчига) у кўрган зарарни сұғурта пулининг сұғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт.

5.7. Мазкур сұғурта шартномаси бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

6. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур сұғурта шартномаси 36 (ўттиз олти) ой муддатга тузилган. (**ЧИСЛО**) дан (**ЧИСЛО**)-гача (**СОАТГАЧА**) амал қилади, бундан (**ЧИСЛО**) гача гаровгача бўлган даврда «кредит қайтмаслик» учун амал қилади

6.2. Сұғурталовчининг жавобгарлиги сұғурта мукофоти (транши/қисми) Сұғурталовчининг ҳисобварағига келиб тушгандан бошланади ва сұғурта полисида кўрсатилган муддатда амал қилади.

6.2.1. Карз оловчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини сұғурта қилиш бўйича сұғурталовчининг жавобгарлиги сұғурта мукофоти (бадали) тўланган кундан бошлаб кучга киради ҳамда автотранспорт воситаси гаровга қўйилгунга қадар амал қилади.

6.2.2. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши таваккалчилиги бўйича Сұғурталовчининг жавобгарлиги мазкур сұғурталанаётган автотранспорт воситаси гаровга қўйилган санадан бошлаб кредит муддатининг охиригача амал қилади.

6.2.3. Гаров таъминотининг етмаган қисми бўйича кредитни қайтара олмаслик жавобгарлигини сұғурта қилиш юзасидан сұғурталовчининг жавобгарлиги мазкур сұғурталанаётган автотранспорт воситаси гаровга қўйилган санадан бошлаб кредит муддатининг охиригача амал қилади.

6.3. Кредит шартномаси узайтирилганда, сұғурталаш даври қўшимча сұғурта мукофотини тўлаш шарти билан узайтирилади.

6.4. Агар Сұғурта қилдирувчи Наф оловчининг олдидағи қарзни қоплаш бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан илгари тўлиқ ҳажмда бажарган бўлса, сұғурта шартномаси сұғурталаш даври тугагунча амал қилади ва Сұғурта қилдирувчи мазкур шартноманинг шартлари бўйича Наф оловчи бўлиб қолади.

7. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИННИГ ТЎХТАТИЛИШИ

7.1. Сұғурта шартномасининг амал қилиши қуидаги ҳолларда тўхтатилади:

- унинг амал қилиш муддати тугаганда;
- Сұғурталовчи шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганда;
- шартнома томонларнинг келишувига кўра бекор қилинганда;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.2. Агар Сұғурта қилдирувчи/Наф оловчи сұғурта шартномаси шартларига мувофиқ сұғурта мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вақтида тўламаган бўлса, мазкур сұғурта шартномаси Сұғурталовчи томонидан бир тарафлама бекор бўлган ҳисбланади ва Сұғурталовчи ушбу сұғурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

7.3. Навбатдаги сұғурта бадали (навбатдаги транш) тўланганидан сўнг сұғурта шартномаси

қайта кучга киради, лекин сұғурта шартномаси тұхтатилған кундан кейинги транш тұлангунгача бўлған сұғурта ҳодисалари бўйича сұғурта компанияси жавобгар ҳисобланмайды. Навбатдаги бадал (транш суммаси) ўз вақтида тұланмаган тақдирда ҳодиса юзага келса, ҳодиса юзага келгандан сўнг навбатдаги транш тұланишидан қатъий назар сұғурталовчи ўша даврда (кейинги транш ўтказиб юборилған давр) юзага келган сұғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

7.4. Сұғурта қилдирувчи (Наф оловучи) Сұғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечганда, тұланған сұғурта мукофоти Сұғурта шартномаси амал қилған вақтта мутаносиб тарзда, ишлаб топилмаган сұғурта мукофотдан (**ФОИЗ%**) айрилған ҳолда қайтарилиши лозим.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Сұғурта қилдирувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1.1. Сұғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида Сұғурталовчидан сұғурта қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар олиш.

8.1.2. Сұғурта ҳодисаси юзага келганда Сұғурталовчидан белгиланған тартибда сұғурта товонини олиш.

8.1.3. Автотранспорт воситасига ўрнатилған қўшимча жиҳоз-ускуналарни қўшимча сұғурта қилишни амалга ошириш.

8.1.4. Сұғурталовчи/Наф оловучи билан келишувга биноан, сұғурта шартномасига қўшимча битимни имзолаш йўли билан ўзгаришишларни ва/ёки қўшимчаларни киритиш.

8.1.5. Сұғурталовчини/Наф оловчини албатта хабардор қилған ҳолда сұғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш.

8.2. Сұғурта қилдирувчи қўйидагиларга мажбур:

8.2.1. Сұғурталовчи талаб қилған хужжатларни, жумладан гаров, кредит ва транспорт воситасини олиш бўйича тегишли шартномаларни тақдим этиши шарт. Автотранспорт воситаси ҳарид қилинганидан ва расмийлаштирилганидан сўнг Сұғурта қилдирувчи (Наф оловучи) томонидан автотранспорт воситасининг техник паспорти нусхаси 5 (беш) кунлик муддатда Сұғурталовчига тақдим этилиши шарт.

8.2.2. Сұғурта мукофотини сұғурта шартномасида белгиланған тартиб ва муддатларда тўлаш.

8.2.3. Сұғурталовчига сұғурталаш обьекти тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни бериш.

8.2.4. Сұғурта шартномасининг амал қилиши даврида Сұғурта қилдирувчи ёки Наф оловучи уларга маълум бўлиши билан дарҳол, лекин кўпи билан 5 банк куни ичида, Сұғурталовчига сұғурта обьектига тегишли бўлған барча жиддий ўзгаришлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар сұғурта қилиш таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир этиши мумкин бўлса, жумладан қўйидагилар ҳақида хабар бериши шарт:

- сұғурталанған автотранспорт воситасини ва (ёки) унинг қўшимча жиҳоз-ускуналари ва анжомларини ишончнома ёки ижара (прокат) шартномаси бўйича бериш;
- автотранспорт воситасига бўлған мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши;
- аризада кўрсатилған транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадларининг ўзгариши;
- қўшимча газ жиҳоз-ускуналарини ўрнатиш;
- автотранспорт воситасини ЙХХБ органларида рўйхатдан олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш;
- сұғурталанған автотранспорт воситаси учун рўйхат хужжатлари, автотранспорт воситасининг калитлари, сигнализацияни бошқариш пульти, рўйхат (ракам) белгиларининг йўқотилиши ёки ўғирланиши.

8.2.5. Сұғурта обьектларини кўздан кечириш учун имконият бериш.

8.2.6. Сұғурталанған автотранспорт воситаси ўғирланған ҳолда Сұғурта қилдирувчи/Наф оловучи:

а) зудлик билан, имкони туғилиши билан, лекин ҳодиса юзага келиши пайтидан кўпи билан 24 соат ичида, Сұғурталовчига ёки унинг вакилига ҳодиса жойини аниқ қўрсатған ҳолда билдириш. Билдиришдан кейин 72 (етмиш икки) соат ичида Сұғурта қилдирувчи/Наф оловучи Сұғурталовчига ҳодисасининг сабаблари ва ҳолатлари баён этилган хабарномани ёзма шаклда (факс ёки бошқа шаклда) юбориши лозим;

б) зудлик билан юз берган воқеа тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш;

в) Сұғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланған ушбу ҳодиса бўйича жиноий ишнинг қўзғатилиши ёки тұхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш.

8.2.7. Автотранспорт воситаси авария (ЙТХ), портлаш, ёнғин, буюмларнинг зарбаси, учинчи

шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари, табиий оғатлар натижасида нобуд бўлиши ёки шикастланиши ҳолатида:

а) Суғурталовчига 8.2.6.(а) бандига мувофиқ тегишли хабар билдириш;

б) зудлик билан ЙҲҲБ органларига юз берган ҳодиса тўғрисида хабар бериш ва албатта воқеа жойида ЙТҲ ҳолати бўйича баённома ёки маъмурӣ далолатнома тузилишини талаб қилиш;

в) Суғурталовчига шикастланган автотранспорт воситасини кўздан кечириш учун тақдим этиш, автотранспорт воситасининг барча шикастланган қисмларининг фотосуратларини олиш ёки видео суратга олиш, Суғурталовчи билан автотранспорт воситасини таъмирлаш ишларини бажариш бошланишигача ўзининг кейинги ҳаракатларини келишиб олиш;

г) Суғурталовчига барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган таъмирлашни бажариш учун калькуляцияларнинг нусхаларини тақдим этиш;

д) Суғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланган ушбу ҳодиса бўйича жиной ишнинг қўзғатилиши ёки тўхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш.

е) автотранспорт воситасини қисмларга ажратишида ва таъмирлашда яширин нуқсонлар аниқланган ҳолда, ушбу нуқсонлар бартараф этилишидан аввал Суғурталовчини ёзма тарзда огохлантириш. Бу ҳолда шикастланган деталларнинг фотосуратлари олинади ва қўшимча далолатнома тузилади.

8.2.8. Суғурталовчига суғурта шартномасининг амал қилиши даври мобайнида суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳолатини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш имконини бериш.

8.2.9. Олган кредитни суғурталовчига тақдим этилган аризада ва кредит шартномасида кўрсатилган мақсадларгагина ишлатиш;

8.3. Суғурталовчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

8.3.1. Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳолатини (З-илова) ва қийматини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш.

8.3.2. Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси тўғрисидаги ёзма хабарномани кутмай, суғурта ҳодисаси билан етказилган заарларни кўриб чиқишга ва баҳолашга киришиш.

8.3.3. Суғурта ҳодисаси юзага келганда таваккалчиликнинг даражасини тавсифлайдиган қўшимча хужжатларни талаб қилиш.

8.3.4. Суғурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳолатини ва сабабларини тасдиқловчи тўлиқ маълумот ва керакли хужжатлар олинишигача, шунингдек ҳодиса юзага келиши ҳолати бўйича жиной иш қўзғатилиши ҳолатида - ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтигача суғурта товонини тўлашни кечиктириш.

8.3.5. Агар у суғурта таваккалчилигининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида хабардор этилган бўлса, ўзаро қўшимча битимни имзолаш орқали суғурта шартномасининг шартларини ўзгартириш ёки суғурта шартномасини бекор қилиш.

8.4. Суғурталовчи қўйидагиларга мажбур:

8.4.1. Суғурта полисини ушбу шартномада белгиланган муддатда бериш.

8.4.2. Барча керакли хужжатлар олинишидан ва суғурта ҳодиса юзага келганлиги ҳолати эътироф этилганидан кейин 10 кунлик муддатда суғурта товонини тўлаш.

8.4.3. Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи билан муносабатларда махфийликни таъминлаш.

8.4.4. Суғурта товонини тўлашдан аввал Наф олувчини бу ҳақда ёзма огохлантириш.

8.5. Наф олувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

8.5.1. Суғурта товони суммасидан ўз талабларини устувор тарзда, лекин Суғурта қилдирувчининг қарз бўйича Наф олувчининг олдида қарздорлиги суммасидан ошмаган ҳолда қондириш.

8.6. Наф олувчи қўйидагиларга мажбур:

8.6.1. Суғурталовчини кредит шартномасининг узайтирилиши тўғрисида, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан кредитнинг муддатидан илгари қопланиши тўғрисида хабардор этиш.

9. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

9.1. I-Бўлим. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича:

9.1.1. сұғурта ходисаси юзага келганды Наф олувчи 3 (уч) күнлик муддатда сұғурталовчини белгиланған тартибдеги ариза билан кредитнинг қайтарилемаслик сабаблари ва уни қайтариш бүйича күрилаётган барча чоралари түғрисида ёзма тарзда мурожаат қилиши шарт.

Аризага күйидеги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- кредит бүйича қарздорлық акс эттирилған ҳужжат;
- кредитни белгиланған муддатларда уни қайтарилиши бүйича күрилған чораларни тасдиқловчи (талағнома ва мавжуд бошқа) ҳужжатлар нусхалари.

9.1.2. Наф олувчининг аризаси күриб чиқилғанидан ва кредит қайтарилемаганлиги аниқланғандан сүңг, қарз олувчи, қарз берувчи ва Сұғурталовчи ўртасида 3 томонлама, 3 нусхада далолатнома тузилади. Далолатнома сұғурталовчининг жавобгарлиғи юзага келганидан сүңг 3 кун ичида тузилади. Далолатнома Сұғурталовчининг амалдаги қонунчилікка асосан сұғурта түловини тұлаш ёки рад этиш ҳуқуки мавжуд бўлған масъул ходими томонидан имзоланади.

9.1.3. Сұғурталовчи томонидан Наф олувчига сұғурта түлови амалга оширганидан сүңг Сұғурта қилдирувчига кредиторларидан (сұғурта ходисаси юзага келишида айбдор) келиб тушган маблағлар Сұғурта қилдирувчи томонидан Сұғурталовчининг ҳисобварағига тұланған сұғурта түлови учун ўтказилиши шарт.

9.1.4. Сұғурталовчи суброгация ҳуқуқидан фойдаланиб, тұлаган сұғурта түлови суммасини үндирғандан сүңг Сұғурта қилдирувчи берган ҳуқуқ бүйича қолған ортиқча маблағ Сұғурталовчи томонидан Сұғурта қилдирувчига қайтариб берилади.

9.2. II -Бўлим. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши таваккалчилиги бўйича Сұғурта қилдирувчи сұғурта ходисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол (72 соат ичида) Сұғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор килиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги Сұғурталовчига, агар сұғурталовчи сұғурта ходисаси юз берганини ўз вақтида билғанлиги, ёхуд бу ҳақда сұғурталовчидан маълумотлар йўқлиги унинг сұғурта товонини тұлаш мажбуриятiga таъсир этмаслиги исботланмаса, сұғурта товонини тұлашни рад этиш ҳуқуқини беради (ЎзР ФК нинг 951-моддаси).

9.2.1. Ҳодиса түғрисидаги аризада Сұғурта қилдирувчи күйидагиларни кўрсатади:

- ходисанинг санаси ва тафсилотлари;
- ҳодиса юзага келганды Сұғурта қилдирувчининг амалга оширган ҳаракатлари;
- шикастланған мазкур автотранспорт воситасининг бошқа сұғурта шартномалари асосида сұғурталанғанлиги ёки йўқлиги түғрисида;

- учинчи шахслардан олинган зарар компенсациясининг микдори.

9.2.2. Аризага күйидеги ҳужжатлар илова қилинади:

9.2.2.1. Автотранспорт воситаси йўқотилганда:

а) Сұғурта қилдирувчи тегишли органларни (йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари, ички ишлар, ёнгин хавфсизлиги органлари ва ҳоказо) юз берган ҳодиса түғрисида хабардор қилғанлиги ва юз берган ҳодиса бўйича тергов (текширув) нинг бориши түғрисида маълумотнома;

б) сұғурта полиси.

9.2.2.2. Автотранспорт воситаси шикастланганда:

а) тегишли органларнинг (йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари, ички ишлар, ёнгин хавфсизлиги органлари ва ҳоказо) ваколатли вакиллари тузган, ҳодисанинг иштирокчилари ва ҳолатлари кўрсатилған далолатноманинг (қарор ёки маълумотноманинг) асл нусхаси;

б) йўл ҳаракати хавфсизлиги органлари воқеа жойини кўздан кечириши баённомасининг нусхаси ва ЙТҲ нинг схемаси;

в) баҳолаш фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлған мустақил баҳолаш ташкилотининг автотранспорт воситасини тиклаш учун зарур бўлған ишларнинг рўйхати кўрсатилған калькуляциясининг нусхаси;

г) алкогольли, гиёхвандлик, токсик ёки исталған турдаги мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича ҳодиса иштирокчиларининг суд-тиббий экспертизасининг хulosаси;

д) сұғурта полиси.

9.2.3. Сұғурталовчи сұғурта ходисасининг ҳолатларига боғлиқ ҳолда қўшимча маълумот ва ҳужжатларни (паспорт, автотранспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчилик гувохномаси, бошқариш ҳуқуқи юзасидан ишончнома ва ҳоказо) талаб қилишга ҳақлидир.

9.2.4. Сұғурта қилдирувчининг аризаси берилганидан кейин 3 күнлик муддатда Сұғурталовчи томонидан Сұғурта қилдирувчининг иштирокида шикастланған автотранспорт воситасини кўздан

кечириш далолатномаси тузилади.

9.2.5. Суғурта ходисаси тұғрисида далолатнома барча керакли хужжатлар олинганидан ва Суғурталовчы томонидан тегиши қарор қабул қилинганидан кейин тузилади. Уни тузиш учун Суғурталовчы, зарур бўлганда, суғурта ходисаси билан боғлик бўлган маълумотларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва суғурта ҳодисасининг ҳолатлари тұғрисида маълумотга эга бўлган бошқа муассасалардан сўраб олади, шунингдек суғурта ҳодисасининг сабабларини ва ҳолатларини мустақил аниқлаш хуқуқига эга.

9.2.6. Суғурта ҳодисасининг ҳолатларини тергов қилиш учун, Суғурталовчы ёки Суғурта қилдирувчи мустақил экспертларни (бошқа мустақил баҳоловчы) жалб қилиш хуқуқига эга. Уларнинг хулюсаси суғурта товонини тўлаш суммасини ўзгартириш учун асос бўлади.

9.2.7. Суғурта товони тўланади:

а) автотранспорт воситаси ўғирланган ёки тўлиқ нобуд бўлган ҳолда - Суғурта шартномасида ушбу автотранспорт воситаси учун кўрсатилган тўлиқ суғурта пули суммаси миқдорида;

б) автотранспорт воситаси шикастланган ҳолда - автотранспорт воситасига етказилган моддий зарар миқдорида.

Суғурта товони суммасига шунингдек (тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) Суғурта қилдирувчининг автотранспорт воситасини кутқариш ва энг яқин таъмирлаш шаҳобчасига ёки доимий яшаш манзилига ташиш харажатлари, калькуляцияни тузиш ва фото (видео) суратга олиш учун харажатлари киритилади.

Суғурта товони миқдори суғурта шартномасида/полисида белгиланган суғурта пули суммасидан ошмаслиги лозим.

Суғурта товони суммасига киритилмайди:

-ишлаб чиқарувчи завод томонидан чиқарилган брак;

-автотранспорт воситасига техник хизмат кўрсатиш ва кафолатли таъмирлаш қиймати;

-автотранспорт воситасининг реконструкцияси, унинг қисмларини, деталлари ва анжомларини эскирганлиги, техник брак ва ҳоказолар туфайли таъмирлаш (алмаштириш) билан боғлик бўлган ишларнинг қиймати

Суғурта товонини тўлаш автотранспорт воситасининг алмаштирилиши лозим бўлган эҳтиёт қисмларининг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда (табиий эскириш суммаси айрилган ҳолда) амалга оширилади.

9.2.8. Агар суғурта ходисаси юзага келишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича жиной иш қўзғатилган ёки суд процесси бошланган бўлса, суғурта товони тұғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки судда иш кўрилиши тугагунга кадар кечиктирилиши мумкин.

9.2.9. Суғурта товони Суғурталовчы томонидан у барча керакли хужжатлар олганидан ва суғурта ходисаси эътироф этилганидан кейин 10 банк куни ичida тўланади.

9.2.10. Барча ҳолларда суғурта товони суғурта шартномасида/полисида белгиланган шартсиз франшиза суммаси айрилган ҳолда ҳисобланади.

9.2.11. Суғурта шартномаси бўйича суғурта пули суммасидан камроқ суғурта товони тўланган ҳолда шартнома ўз муддатининг охиригача, шартномада белгиланган суғурта пули суммаси ва тўланган суғурта товони ўртасидаги фарқ миқдорида ўз кучини сақлаб қолади.

9.2.12. Суғурта қилдирувчи, агар зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суғурта товони суднинг қарорига кўра зарар етказилишига айбдор бўлган шахс томонидан амалга оширилса, суғурта товонини олиш хуқуқидан маҳрум бўлади.

9.2.13. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи айбдор ёки учинчи шахслардан зарарни қоплаш бўйича суммани олса, Суғурталовчы фақат суғурталаш шартларига кўра тўланиши лозим бўлган сумма ва айбдор ёки учинчи шахслардан олинган сумма орасидаги фарқни тўлайди.

9.2.14. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тұғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

9.2.15. Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пули суммасини тўлашни рад этиш қарори устидан, унга судда даъво билдириш йўли билан шикоят қилиниши мумкин.

9.2.16. Суғурта товонини тўлаш:

9.2.16.1. Суғурта қилдирувчига суғурта товони Наф олувчини ёзма тарзда хабардор этилган ҳолда амалга оширилади. Наф олувчи суғурта товони суммасидан ўз талабларини устувор қондириш хуқуқига эга. Бунда Наф олувчи Суғурта қилдирувчининг Наф олувчи олдида кредит бўйича қарздорлигидан ошмаган миқдорда суғурта товонини олиш хуқуқига эга, суғурта товонининг қолган

қисми эса Суғурта қилдирувчининг заарлари доирасида унинг харжатларини қоплаш учун йўналтирилади.

9.2.16.2. Суғурта товони аризада кўрсатилган Наф олувчи/Суғурта қилдирувчининг банк ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9.2.17. Агар суғурта товони тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига ўғирланган автотранспорт воситаси ёки унинг қисмлари, деталлари, анжомлари қайтарилигандан бўлса, Суғурта қилдирувчи ўғирлаш билан боғлиқ бўлган таъмирлашнинг қиймати айрилган ҳолда суғурта товонини қайтариши шарт. Ушбу суғурта товони Суғурта қилдирувчи томонидан унга ўғирланган автотранспорт воситаси (унинг қисмлари, деталлари ёки анжомлари) қайтарилиганидан кейин кўпи билан 3 ой ичида қайтарилиши лозим. Суғурта қилдирувчи бу талабни бажармаган ҳолда, Суғурталовчи тегишли судга даъво киритади.

9.3. Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) суғурталаш натижасида қоплаб бериладиган заарлар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи унинг тўлаган суммаси доирасида ўтади. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши риски бўйича Суғурта қилдирувчининг яқин қариндошларига (отаси, онаси, қизи, ўғли, хотини, эри, ака-укаси, опа-сингли) талаб қўйилмайди. Лекин Шартноманинг қасддан зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи Суғурталовчига ўтишини истисно этувчи шартлари ҳақиқий бўлмайди.

9.4. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи Суғурталовчига Суғурталовчи томонидан унга ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ва исботларни бериши ва унга барча керакли маълумотларни тақдим этиши шарт.

9.5. Агар Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ўзининг Суғурталовчи томонидан қопланган заарлар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса ёки Суғурта қилдирувчининг ёки Наф олувчининг айби билан ушбу ҳуқукни амалга ошириш мумкин бўлмайди, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод этилади ва ортиқча тўланган товон суммасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

10.2. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган ҳолда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган суғурта мукофотининг (тўловнинг) суммасидан 0,1% миқдорда, лекин кўпи билан муддати ўтган сумманинг 20% дан ошмаган миқдорда пеняни тўлайди.

10.3. Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) тўланиши лозим бўлган суғурта тўловларининг кечиктирилиши учун, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган суғурта пули суммасидан 0,1% миқдорда, лекин кўпи билан мазкур шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 20% дан ошмаган миқдорда пеняни тўлайди.

10.4. Мазкур шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажаришдан асоссиз қисман ёки тўлиқ воз кечиши учун ўз мажбуриятларни бузган томон бошқа томонга ўзи уни тўлашдан воз кечган ёки бош тортган суммадан (**ФОИЗ%**) миқдорида жарима тўлайди.

10.5. Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, улар жавобгарликдан озод қилинади (форс-мажор). Енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар таъсирига учраган томон бошқа томонни ушбу ҳолатларнинг юзага келганлиги ва эҳтимолий давом этиши муддати тўғрисида зудлик билан огоҳлантириши лозим.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчининг қайта ташкил этилиши ҳолатида ҳамда жисмоний шахс бўлган Суғурта қилдирувчи вафот этса суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар унинг ҳуқукий ворисига ўтади, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига бу ҳақда ёзма ҳолда билдиради.

11.1.1. Суғурталанган автотранспорт воситасига мулк ҳуқуқлари суғурта шартномаси унинг манфаатида тузилган шахсдан бошқа шахсга ўтганда, шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳам автотранспорт воситаси бўйича ҳуқуқлар ўтган шахсга ўтади. Ҳуқуқлар унга ўтказилган шахс Суғурталовчини бу ҳақда З кунлик муддатда ёзма тарзда хабардор этиши лозим.

11.2. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўтказилишига томонларнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

11.3. Мазкур шартнома бўйича франшиза қўлланилмайди.

11.4. Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилиш даврида сұғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгар бўлмайди.

11.5. Форс-мажор ҳолатларига куйидагилар киради: уруш ва ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, блокадалар, давлат ташкилотларининг ва давлатлар орасидаги чеклов ва тақиқлаш чоратадирилари.

11.6. Форс-мажор ҳолатлар юзага келиши тўғрисида томонлар бир-бирини ёзма тарзда хабардор килади.

11.7. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган ҳолда, томонларининг мажбуриятларини бажариши муддати форс-мажор ҳолатлари амал қилган вақтга мутаносиб ҳолда кечиктирилади.

11.8. Мазкур шартномада таърифланмаган барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12.1. Сұғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.